

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1013-ҳадис

1013 - وَعَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كَانَ رَجُلٌ يَقْرَأُ سُورَةَ الْكَهْفِ، وَعِنْدَهُ فَرَسٌ مَرْبُوطَةٌ بِشَظَنَيْنِ، فَتَعَشَّتُهُ سَحَابَةٌ فَجَعَلَتْ تَدْنُو، وَجَعَلَ فَرَسُهُ يَنْفِرُ مِنْهَا، فَلَمَّا أَصْبَحَ أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَكَّرَ لَهُ ذَلِكَ فَقَالَ: «تِلْكَ السَّكِينَةُ تَنْزَلَتْ لِلْقُرْآنِ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 5011، م 795].

«الشَّظَنُ» بِفَتْحِ الشَّيْنِ الْمُعْجَمَةِ وَالطَّاءِ الْمُهْمَلَةِ: الْحَبْلُ.

1013. Баро ибн Озиб розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

“Бир киши Каҳф сурасини ўқир эди. Ҳузурда арқонга боғланган оти турар эди. Бир булут ўраб, отига яқинлашган эди, оти ҳуркиб кетди. Тонг отганда бу киши Набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳузурларига келиб, бўлиб ўтган воқеъа ҳақида зикр қилганида, У зот: «У сакинадир, Қуръон учун тушган*», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Сакина – луғатда хотиржамлик, сокинлик дегани. Бу ерда зикр қилинган «сакина» нима экани хусусида уламолар турли фикрлар айтишган. Баъзилар уни «майин шамол» деса, бошқалари «фаришталар» деб изоҳлаган. Кўпчилик уламоларнинг қарашларига кўра, сакина Аллоҳ таолонинг хотиржамлик ва раҳматни ўзида мужассам қилган махлуқоти бўлиб, фаришталарнинг ҳамроҳлигида юзага келади. Валлоҳу аълам.

Бу ривоятдаги маънонинг тафсилоти бошқа бир ҳадиси шарифда келади. Имом Бухорий ривоят қиладилар:

«Усайд ибн Ҳузайр розияллоху анҳу кечаси Бақара сурасини ўқиётган эди. Яқинида оти боғлиқ турар эди. Бирдан от типирчилаб қолди. Қироатдан тўхтаган эди, от ҳам тўхтади. Яна ўқиган эди, от ҳам типирчилади. Ўғли Яҳё яқинида ухлаб ётарди. От босиб олмасин деб, бориб уни қўлига олди ва бошини осмонга кўтарди. Тонг отгандан сўнг ҳодисани Пайғамбар алайҳиссаломга сўзлаб берди.

У зот алайҳиссалом:

«Ўқи, эй Ибн Ҳузайр», дедилар.

У бўлса:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Яҳёни босиб олмасин, деб қўрқдим, унинг яқинида эди. Бошимни кўтариб, унинг олдига бордим. Осмонга қарасам, булутга ўхшаш нарса, ичида чироққа ўхшаган нарсалар ҳам бор. Уларни кўрмай деб чиқиб кетдим», деди.

Пайғамбар алайҳиссалом:

«У нималигини биласанми?» дедилар.

«Йўқ», деди.

У зоти бобаракот алайҳиссалом:

«Улар сенинг овозингга келган фаришталар, агар тонг отгунча ўқийверганингда, одамлар уларга назар солса бўларди. Улар беркинмасдилар», дедилар».

Бундан Қуръони Каримнинг қироати бўлаётган жойга фаришталар булут шаклида сакийна бўлиб тушар экан. Қуръони Каримни тиловат қилаётган, Қуръони Каримни тинглаётган кишилар доимо ўзларининг бошлари устидан сакийна-фаришталар нозил бўлиб туришини унутмасликлари керак. Улардан ўша улуғ мақомга муносиб бўлмоқлик матлубдир.

Манба: hadis.islom.uz

